



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 28 ноябр, сешанба № 171 (1003)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



Ўтади саксон ҳам, юз ҳам, балки минг...

Фақат эзгуликдир умрга сайқал. Фаромуш айламас бир нафас халқинг, Магар юракларда қўёлсанг ҳайқал.

Аввали ОРАМОВ.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МУХТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматulloҳи ва баракотуҳу Куръони шариф нозил бўлган илоҳий ҳидоят ва руҳий покланиш оийи - Муборак Рамазон оийи бошланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва мусулмон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Илоҳий тавфиқ шарофати ила Аллоҳнинг бандаларига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ададсиз файзу раҳмати ёғилувчи бу қутлуг оийнинг хайру баракотидан баҳраманд бўлган ҳолда, нафси чеклаш ва покланиш билан бирга, ўзаро тушуниш, ҳурмат асосига қурилган ва ҳар қандай зулм ва тенгсизликдан йироқ инсоний жамият барпо этиш йўлида қадам ташлай оламиз, дея умид қиламан.

Қодир Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мувафакқиятлар ва омонлик, Ўзбекистон Республикасининг халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилаб қоламан.

САЙИД МУҲАММАД ҲОТАМИЙ, Эрон Ислон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон оийи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Ҳукумати ва халқи номидан энг эзгу тилаклар йўллаш ва эҳтиром изҳор этишдан мамнундирмиз.

Ушбу муқаддас оий Сизга, биродар ўзбек халқига ва барча мусулмонларга давомий тараққиёт ва фаровонлик олиб келади, деб умид билдираман.

АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ, Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари, Бутун мусулмон дунёси муқаддас Рамазон оийи кириб келишини нишонлаётган ушбу кунларда Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва халқига Малдив Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номидан эзгу тилаклар ва энг яхши табрикларни йўллашдан гоёта мамнунман.

Аллоҳ ушбу муқаддас оий давомида бутун мусулмон оламини ўз марҳаматидан баҳраманд этсин.

Маъмур АБДУЛҚАЙОМ, Малдив Республикаси Президенти

МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР



Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, хариддоригр махсулотлар ишлаб чиқаришда ҳаётимиз гуллари бўлиши хотин-қизларнинг ўрни алоҳидадир.

Суратларда: халол меҳнат туфайли обрў-эътибор қозонган Тошкент туманидаги «ASTRA FARM Ко» корхонаси хизматчилари Ф.Аҳмедова Ш.Тошкентбоева ва Ф.Зияевалар. Пастдаги суратда эса Бўқадаги «Пилла» акциядорлик жамияти лаборантлари М.Ортиқова ва Г.Жумаева.



БАРҲАЁТ КУЛГУ

Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театрида Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташаббуси билан Сойиб Ҳўжаев таваллудининг тўқсон йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Ҳўжаев Фаргона водийсининг аскияси, қизқичлиги, бой халқ озаки ижодиёти муҳитида воёга етган ва уларни замонавий театр воситалари билан уйғунлаштира олган истеъдодли санъаткор эди.

Ун етти ёшидан ошқ илклари ижро этиб бораётган Сойиб Ҳўжаев дастлаб Кўқонда, сўнг Андижон театрида малака оширди. 1939 йилда Тошкентдаги Муқимий номидаги мусикали театрга ишга таклиф этилиб, умрининг сўнгги давларида шу ерда ижод қилди. Мазкур театрининг шаклланиши ва ривожланиши, эл ҳурмати кезонишида Сойиб Ҳўжаевнинг хизматлари жуда катта. Ижодкор жамоадаги қирқ йиллик ижоди мобайнида элликлдан зиёд образ яратди. Театр мухлислари «Тошболта ошқ» спектаклини эса ҳозиргача С.Ҳўжаевсиз тасаввур эта олмайдди.

Санъаткорнинг «Насриддин Бухорода», «Стадионда учрашамиз», «Ер-ёр», «Дилбарим», «Чинор остидаги дуёл» каби фильмларда яратган сиймоларида ҳам миллий рух уфуриб туради. Актер Ҳамза Умаров, Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов сингари истеъдодларга устозлик қилган.

Сойиб Ҳўжаевни элга машур қилган «Тошболта ошқ» спектаклидан намойиш этилган парча билан бошланган хотира кечаси кулгу, ҳазил-мутойиба, кўшук ва рақсаларга бой бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев иштирок этди. (ЎЗА).

Муаммо кўндаланг қўйилади БОҒЧАЛАР ТАЪМИНОТИДАГИ УЗИЛИШЛАР

Болалар бахтли келажак ворисларидир. Уларни соғлом, баркамол фарзандлар этиб тарбиялаш учун ҳукуратимиз ҳеч нарсани аямаётир. Бахтга қарши Нурота туманида бўлганимизда жажкилар тарбияланаятган боғчаларга эътибор сусайтириб юборилганини кўриб ачинадик.

Бу ерда 50 та бола-лар боғчаси бўлиб, жами 2050 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган. «Мўъжиза» боғчаси замонавий бинода жойлашган. Барча жиҳозлар етарли, қишга тайёргарлик ҳам ёмон эмас. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, фақат таъминот масаласида узилишлар бўлиб турибди.

— Озиқ-овқат махсулотиде тақчиллик бўлса муаммолар кўпаяди, дейди 11-болалар боғчаси мудири Дилдора Очилова. — Айнақиса гўштан қийналаяпмиз. Бир ойда шу неъматдан бор-йўғи ўн кило беришадан. Бу мўлжалдагидан кам.

Маълум бўлишича, туман халқ таълими бўлими боғчаларни

пухта ҳисоб-китоб бўлмаганлиги, омилкорлик этишмаганлиги қолаверса, боқимандалик кайфияти панд берапти. Дард устига чипқон деганларидек, кредиторлик қарз кўпайиб кетгани боис вилоят ҳамда нон комбинати билан шартнома тузган. Шартнома шартлари бажарилмаётганлигига баҳоналар кўп. Асосий қасал шундаки, халқ таълими бўлими август, сентябр, октябр ойлариде отказиб берилган озиқ-овқат махсулотлари учун тегишли пулни ханузгача ўтказиб беришадан. Қарздорлик 16 ноябр ҳолатига қарийб 12 миллион сўмни ташкил этган. Бозор талаби қатъий. Муҳим ишда

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Қонунни билган қоқилмайди, дейишади. Бу гапда чуқур маъно бор. Меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда бўлиб одамлар билан дилдан суҳбатлашганимизда Президент ҳаётбахш Фармонлари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш таянчига айланганлигини эътироф этишади.

Айни пайтда қонунни била туриб, уни четлаб ўтаётган кимсалар ўзларини ўзлари алдашаётганлигига гувоҳ бўламан. Сўнгги вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказишни учун ташкилот ва раҳбарлар масъулиятини ошириш чоралари тўғрисидаги қарорлари моҳиятини тушунириш юзасидан кат-

КИМНИ АЛДАЯПТИ?

ларга кўл урмоқда. Бу билан фақат ўзларига жабр қилишаётганини сезишмаётгани кишини ажаблантиради. Ҳ.Ғуллом номи таҳририга ишлаб чиқариш давлат ҳўжалиги бош ҳисолати бир қарашда ишчан, изланувчан мутахассис бўлиб кўринади. Бироқ, у виждонини жигилдонга айлантирганидан кўпчилик беҳабар экан. Бош ҳисолат кўзбўямачилик қилиб 38,3 гектар ерга режада кўзда тутилмаган экинларни эктириб юборган.

Унинг айби билан ҳўжалик 820 минг сўмдан зиёд моддий зарар кўрган. Бу гаёриқонуний иш юзасидан жинорий иш кўзга тилиди. Узини аямай меҳнат қилиб истеъмол бозорини тўлдиришга катта ҳисса қўшаётган фермерни қўлламаган кишиларни нима деб аташ мумкин? Тагин унинг йўлига сунъий тўсиқ қўйилса, қанчалик хунук. Қизиги шундаки, яқинда Ш.Рашидов туман ҳокими ҳўжаликларнинг моддий зарарларини фермерлардан ундириш тўғрисидаги фармойиш тадбиркорларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди. Прокуратура аралашувидан сўнг, буйруқ бекор қилинди. Бозор шариоитида ишлаш ҳар бир кишидан омилкорлик, қатъиятлик талаб этади. Моддий манфиатдорлик доимий диққат марказида бўлиши лозим. Аммо жамоа шартномаларини номогагина тузиб, унга риюя этмаётган раҳбарлар тараққиётга тўғанок бўлишяпти. 24 - механизациялашган кўчма жамланма раҳбари Ш.Ҳўжакулов сўнгги вақтларда ишчилар манфаати ҳақида қайғурмай қўйди. Ишлаб чиқариш қисқариб, муаммолар кўпайди. Ушбу ташкилотдан деярли ҳар куни 3-4 нафар ишчи-хизматчи маошларини ундириб беришда ёрдам сўраб, прокуратурага мурожаат этмоқда. Ҳозирча 10 га яқин кишининг мушқули осон этилди, 410

Қонун барча учун баробар

минг сўм иш ҳақи суд орқали ундириб берилди. Жойларда меҳнатчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг синалган омилларидан фойдаланишда нўноқлик қилинапти. Шу каби камчиликлар оқибатида корхоналарнинг дебитор қарзлари бўйича 22 текширув ўтказилиб, ҳўжалик судига 9 та даъво аризаси киритилди. «Ғаллаорол» фермер ҳўжалиги аъзолари мўл ва сифатли махсулотлар етиштиришда намуна бўлишмоқда. Бироқ, улар иш ҳақини вақтида ололмаётганликлари боис руҳан эзилишган. Натижалар ҳам аста-секин пасайиб борган. Прокуратура ҳокимлари адолатни тиклаш учун изчил ҳаракат қилдилар. Натижада фермер ҳўжалигининг қарийб 4 миллион сўм пули ундириб берилди. Мустиқил Ўзбекистонда қонун устувор. Уни ҳеч ким ва ҳеч қачон ўз манфаати йўлига буриб юборолмайди. Одамлар ҳақ-ҳўжуқларини танимоқдалар ва уни қатъий туриб ҳимоя қилмоқдалар. Бу эса энг муҳимидир. С.НАЗАРОВ, Ш.Рашидов тумани прокурори, I-даражали юрист.

Навоий шаҳрида 1998 йили 50 ўринли ногиронлар реабилитация маркази ишга тушган эди. Киска фурсатда бу ерда махсус каровга муҳтож беморлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар, техник жиҳозлар ўрнатилди. Бу шифо масканида 8 нафар юрак малакали врач, 12 нафар ҳамшира меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача қарийб 2000 нафар ногиронга тиббий ва касбий-руҳий реабилитация хизмати кўрсатилди. Улар даволаниш билан бирга ўқувчилик, бичиш-тиқиш, каштачилик, зардўзлик, телерадио тузатиш устаси каби касбларни ўрганмоқда.


Халқаро ногиронлар куни олдида

жонингга ора кирди. Ҳозир анча соғайиб қолдим. Шуларнинг дуойи жонини қилиб ётибман. 1997 йили Қодир Раҳимов номидаги ширкат хўжалигида меҳнат қиларидиган Эркиновлар хонадонидан фарзанд туғилди.

жойим қолмади. Умидим узилган эди, дедим ҳам бўлади. Бу орада Самарқанд шаҳридаги молия техникумини ҳам тугатдим. Бироқ мажруҳ оёқларимдаги дард мени қайта-қайта даволанишга мажбур қиларди. Ушбу реабилитация марказида даволаниш мени дунёга қайта келтирди, десам янглишмайман. Муолажалардан бўш вақтларимда спортнинг армрестлинг тури билан астойдил шуғуллана бошладим.

Армрестлинг бўйича дунёда кўплаб чемпионатлар ўтказилади. Буни қарангки, аввал виллоят, кейин мамлакат чемпиони бўлдим. Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида 11 кун давом этган армрестлинг бўйича Осие биринчилиги мусобақаларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдим. Дастлабки икки даврада голибликни кўлга киритган, финалда бағладешлик рақибимнинг муштини ҳам ерга босдим. Уша пайтдаги ҳажжонимнинг чеки йўқ эди. Бошим узра юртимиз байроғи ҳилп-ҳилпда, дунёда мендан бахтиёрроқ киши йўқ эди. Мен бир нарсани аққитиб ишондим - одамнинг кўнгли ногирон бўлмасин экан, мендан сўрасан, энг соғлом инсон кўнгли соғ, имони бутун инсон, деган бўлар эдим!

Э.УМАРОВ, Л.СУВОНОВ, УзА мухбирлари.



Ангрен шаҳрида 900 ўринга мўлжалланган маиший хизмат коллежи қурилоқда. Унинг бош пудратчиси Ўзбек шахта қурилиш хиссадорлик жамияти курувчилари бўлиб, бу ерда ўқувчилар учун футбол, волейбол, теннис майдончалари фойдаланишга топширилади.

Суратларда: коллеж қурилишида. Даврон АХМАД олган суратлар.



УМИДЛИ ДУНЁ

Меҳнатимиз бесамар кетмаётганидан мамнунмиз, - дейди реабилитация маркази директори Ҳамдам Мадалиев, - 1999 йили 713 нафар ногирон даволаниб, шундан 55 таси ўзига мос касб эгаси бўлди. 27 киши эса бутунлай соғайиб кетди. Жорий йилнинг ўзида 700 нафардан зиёд беморга хизмат кўрсатдик. Шунинг 267 нафари - болалар. 65 киши қисман соғайди, 59 киши эса бутунлай соғлиғини тиклаб олди, ҳозир улар ўз меҳнати билан рўзгор тебратяпти. 46 бемор турли касб-хунар эгаси бўлди. Қарамоғимиздаги беморларга муносиб шарт-шароит яратишда Навоий шаҳар ҳокимлиги, Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ақидан кўмак бермоқда. Уларнинг ёрдами туяғили «Дамас» автомашинаси,

«УЗИ» аппарати ва бошқа керакли асбоб ускуналарга эга бўлдик. Шунингдек, қиш бошланиши олдида Навоий кон-металлургия комбинати курувчилари ўз ҳисобларидан 600 минг сўм сарфлаб, иситиш тармоқларини таъмирлаб берди.

Марказда даволанаётган 1-гурух ногирони, уруш фахрийси Муҳиддин Андаев шифокорлардан ўта хурсанд:

«Ҳозир 84 ёшдаман. Инсон ўз бошидан қанча қанча гаму ташвишни, губорли-губорсиз, қувончли кунларини ўтказар экан. Касофат урушининг дастидан, мана, эллик йилдан ошдики, азоб чекаман. Кўп жойларда даволандим. Лекин менга маъқули ушбу реабилитация маркази бўлди. Бу ерда ҳам кўнглимни, ҳам танимни даволашар экан. Ўнг оёғим, ўнг кўлим ишламай қолган, мени шу ерга олиб келишган эди. Худога минг қатла шукур, дўхтирлар

Яхши ният билан отанасининг ёрдамчиси бўлсин, деб унинг исмини Мададбек қўйишди. Лекин бахт билан бахтсизлик ёнма-ён юрар экан. Чақалоқ пайтида Мададбекнинг бош миёси шамоллаб, оёқ-қўллари ишламай қолди. Отананинг қанчалик куйинганини тасаввур қилиб олаверинг. Ўшанда Мададбекни шу марказга олиб келишди. Муолажалар бесамар кетмади. Йўлақда ўйнаб юрган болалалардан бирини кўрсатиб, фалаждан кейин тузалиб кетган Мададбек ўғлимиз шу йигит бўлади, дейишса, дастлаб биз ҳам ишонмадик. Яна бир сўхбатдошимиз - қўлтиқтаёқда бўлса-да, илдам ҳаракат қиладиган, кўзларидан ўт чақнаб турган йигит Мирзоҳид Шарипов марказга Хатирчидан даволаниш учун келиб, тузалган, шу ерда ишга қолибди.

— Болалигимдан ногирон эдим. Даволанмаган

Мардлар қўриқлайди Ватанни

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинганидан сўнг мудофаа кўшиқлари зобит ва аскарларга эътибор тубдан ўзгарди. Жумладан, республика бўйича илгари бор-йўғи 3 та ҳарбий мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони сезиларли даражада ортди.

Биз улардан бири — Тошкент электротехника ва алоқа институтининг махсус факультетидан бўлдик. — Факультетимиз Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил майдаги қарорига мувофиқ Мудофаа вазирлигининг барча қисмлари учун зобит кадрлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган, - дейди шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлигининг ўринбосари, майор Иззат Иназаров. - Бу ерда юқори малакали радио мутахассислари, космик, тропосфера ва махсус алоқа бўйича ҳарбий ўқув муассасалар ўқитувчилари ва алоқа кўшиқ зобитларининг малакасини ошириш, компьютер-ҳисоблаш техникалари ёрдамида таълимнинг тезкор ва самарали усуллари ҳамда янги алоқа тизимини қўллаш йўли би-

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР МАСКАНИ

лан аудиовизуал таълим воситасини жорий этиш йўлга қўйилди. Курсантларнинг таълим олиш жараёни назарий, махсус тактик, ҳарбий махсус тайёргарликлар, дала комплекс машғулоти, стажировкалар, ишлаб чиқариш, дипломолди амалиёт ва диплом лойиҳаси ҳимоясини ўз ичига олади. Шу кунга қадар факультетимиз ҳарбий қисмлар учун бир неча юздан ортиқ зобит кадрларни тайёрлаб берди. Билим юртимизнинг иктисослашган кўмондонлик ва ўқитувчилар таркиби мустаҳкам ўқув-моддий базаси

— замонавий қуруллар, жанговар техника ва жиҳозлар билан таъминланганлиги курсант ва тинловчиларнинг юқори даражадаги мутахассис, қолаверса, ўз юртига садоқатли кадрлар бўлиб етишишида муҳим омил бўлмоқда. Мен факультетимизнинг битирувчилари сержант Қудратжон Сатторов ва курсант Темур Абдуллаевлар фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки улар ўқув даври давомида ўзларининг нафақат билимдон ва малакали мутахассис, балки юрт фойдилари эканликларини ҳам амалда исботлашди. Радиорелье тизимлари ва узок масофали алоқа тизими ка-

федраси муддир, полковник Сирожиддин Жалилов курсантларнинг ҳақиқий ватанпарвар зобит бўлиб етишишида ўз билим ва маҳоратини аямаётди.

Курсантлар ҳарбий қасам ёди қабул қилганларидан кейин ҳарбий либослар кийиб, махсус факультетнинг ўзида ҳам ўқиб, ҳам яшайдилар. Бу давр давомида уларнинг моддий эҳтиёжлари тўлиқ таъминланади.

Д.АЛЛАКУЛОВА, «Ишонч» мухбири.

Кўнгишлар обод бўлди

Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Паркент тумани Заркент қишлоғи марказига йиғилган 132 нафар ногироннинг кўнгли шоду-хуррамликка тўлди. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент виллояти бўлими пойафзал, устки кийим-бош, болаларга мўлжалланган китоб ва журналлардан иборат юз минг сўмлик совага берди. Ширкат хўжалиги эса уларга атаб ош тортиди.

Маълум бўлишича, Заркентда қариндош-уруғлар ўртасида кунда-юндачилик кенг расм бўлган экан. Фарзандларнинг ногирон бўлиб туғилишининг асосий сабабларидан бири ҳам шундадир. Жамғарма виллоят бўлими мashaхлат кенгаши аъзоси, Тошкент педиатрия институти доценти Аваз Раҳматуллаев тадбирга йиғилган қишлоқ аҳлига «Қариндош-уруғлар ўртасидаги ниҳонинг салбий оқибатлари» мавзусида гапириб, ҳаётини мисоллар келтирди.

Шундай қилиб, тадбир ташкилотчилари бир йўла иккита хайрли юмушни бажардилар.

Сиз бунга нима дейсиз?

Қутлимаган воқеа барча ишчиларни изтиробга солди. Эндигина 19 баҳорни қаршилаган Тўлғаной Худойбердиева иш жойида оғир тан жароҳати олди. Туппа-тузук фаолият юритаётган меҳнатчи барча ёрдам кўрсатилди. «Тез тиббий ёрдам» ходимлари нимагаки қодир бўлишса, ҳаммасини қилишди. Афсуски, илчичинг жароҳати оғир эди. У бир хафтача касалхонада ётган, ўзинга қолмай оламдан кўз юмди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ

Инсон яшаш, бахтли бўлиш учун дунёга келади. Бирон жойда ишга қираётганида турмушун бундан-да яхшиланади кетармикан, дастурхоним тўқинлашармикан деган орзу-ниятни қалбига жо этади. Мақсадига эришиш учун сидқидилдан меҳнат қилади, ташаббус кўрсатади. Бирок, ҳаммаси саробга айланиб, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисага учраса бундан ёмоний йўқ.

Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакатимиз меҳнат қонунлари ҳар бир жамоада меҳнат хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Бу борада раҳбару мутахассислар зим-

масида улкан масъулият ётади. Бирок, лоқайдлик, муҳим ишга маблағ ажратмаслик қаррлардадир жуда қимматга тушмоқда. — Тегинли давлат ташкилотлари хусусан, меҳнат-техника назоратчилари томонидан Тўлғаной ишлаган Янгиқўрғондаги «Янис-ЖВ» Ўзбекистон-Испания қўшма корхонасидаги шароит атрофида ўрганиб чиқилганда, қатор жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди, - дейди Наманган виллоят агро-росаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма қўмитаси раиси Файзулло Паёзов. — Корхона жумладан, ҳаётдан бевақф кўз юмган ишчи меҳ-

нат қилган цехдаги механизм, техника воситаларини ишга туширишдан олдин масъул ишчилар тегинли идоралардан ружаст олишмаган, кўнжика ҳосил қилишмаган. Жараёнлар билан-билмай бошқарилган. Оқибатда ишлаб чиқариш инсон ҳаётига хавф соладиган даражада давом этиб келган. Боз устига хавфли

олам-олам орзулар билан яшаётган қизни афсуслик ҳаётга қайтариб бўлмайди. Юқоридagi каби кўнжиклар ягона эмас. Масалан, Чуст туманидаги «Нурафшон» ширкат хўжалигининг пудратчиси Ф.Раҳимов пахта юклаш чоғида оғир тан жароҳати олди. Бунинг сабаби оддий - техника хавфсизлиги қондаларига риоя

Бор бўл, оқибат!

Йўл ва кўприклар қуриш, одамларнинг узоғини яқин қилиш энг катта савоб ишлардан биридир. Шу боис бу масалага катта эътибор бериб келинмоқда. Кейинги йилларда фойдаланишга топширилаётган замонавий йўл ва кўприклар бундан далолат бериб турибди. Уларнинг очилишида Президентимиз Ислам Каримовнинг иштирок этиши йўлсозларни янги марралар сари руҳлантирмоқда. Юртбошимиз яқинда Тошкент шаҳридаги Гавҳар ва ал-Хоразмий кўчаларини ўзаро боғлаб турувчи кўприкнинг очилиш маросимида маҳаллий йўлларни замон талабларига мослаштириш ишларининг қўламини бундан кейин янада кенгайтиришни таъкидлади.

ЙЎЛСОЗЛАРНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Ушбу мақолада «Самарқандавтоўл» бирлашмаси жамоаси ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

— Ҳақиқатан ҳам бу соҳага катта эътибор бери-

ётиб даволанганимда ёрдам кўрсатишди. Яъни, зарур бўлган 30 минг сўм пул шифохона ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди. Умуман, бу ерда кей-

бари миқдориди рағбатлантирилди. Бу тадбир учун 735 минг сўм маблағ ажратилди. Курувчилар куни муносабати билан бирлашманинг 24



лаётир, — дейди бирлашма раиси Амин Шукуров. — Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизнинг минглаб километр йўллари қайта таъмирланиб, жаҳон андозалари талабига мослаштирилди. Биргина Қамчиқ довоинида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Фақат шу йилнинг 9 ойида 928 километр йўл қайта ва тўла таъмирланди. Шу мuddат ичида йўл қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Рентабеллик даражаси 8,3 фоизни ташкил этди.

Кўзда тутилган режаларнинг мунтазам ортиги билан адо этилиши, ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг кўпайганлиги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ойлик маошони вақтида бериш, соғлиқларини тиклаш, меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйиш имконини бермоқда.

нафар ишчи ва хизматчиларига 1,5 ойлик иш ҳақи миқдориди ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма қўмитаси қарорига мувофиқ ходимларга жами 750 минг сўмлик ун, шakar, ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб берилди. Янги ўқув йили олдида виллоят бўйича кам харжли оилаларнинг фарзандларига 250 минг сўмлик ўқув қуруллари тарқатилди.

Кўзда тутилган режаларнинг мунтазам ортиги билан адо этилиши, ишлаб чиқаришдан олинган фойданинг кўпайганлиги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга ойлик маошони вақтида бериш, соғлиқларини тиклаш, меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйиш имконини бермоқда.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитамизга раҳмат, — дейди бирлашма марказий лабораторияси бошлиғи Жамол Раҳимов. — Чунки яқинда 2-виллоят шифохонасида

Бирлашмада меҳр ва саҳоват йўналишлари бўйича бир қанча ишлар қилинмоқдаки, буларнинг баъзиларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, жамоа Самарқанд шаҳридаги 9-меҳрибонлик уйини оталиққа олган. Бу йил болаларга 450 минг сўмлик турли хил совага ва дарсликлар олиб берилди. 10-болалар уйини таъмирлаш, ободонлаштириш ишларида бир миллион сўм маблағ сарфланди. 76-болалар боғчаси биноси қайта таъмирланди ва боғча худуди асфальтланди.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

ШАРОФАТЛИ ВА БАРАКОТЛИ ОЙ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокатуху. Аллоҳга беадаб шукрлар бўлсинки, нурафшон Рамазон ойининг саодатли онларига яна мушарраф бўлиб турибмиз. Шоир айтмоқчи:

*Келди айём муборак барча жон дил шоддир,
Рухлари ҳам ҳаразобу қаҳрдан озоддир.
Рўзаи моҳи шарифинг хурматиндан беҳилоф,
Осий, гайри осийга ҳақ раҳмати бунёддир.*

Рўза ойининг фазлу фазоилари тўғрисида қанча гапирсак, шунча оздир. Бу хусусда пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтадиларки: «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканлигини яхши билганлариди эди, фақатгина шу ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойлариди ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлур эдилар». Рамазон ойининг яна бир хосиятли томони шундаки, унда бутун оламни ҳидоят йўлига етакловчи Куръони Карим нозил бўла бошлаган.

Рўзадор киши покиза, соф ниятли, раҳмдил, мулоим, ширинсухан бўлади. Муҳтожларга, етим-есирларга, ногиронларга, беморларга меҳр-шафқат назари билан қарайди, уларнинг аҳволини яхшироқ тушунади. Рўза мукаммал бўлмоғи учун рўзадор киши ёлғон сўзлаши, бировни яғво, ғийбат қилиши, сўқиниши, одамларнинг дилини огритиши ҳоиси эмас. Муборак ҳадиси шарифларда, «қайсибир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларни тарк этмаса, ундай кишининг фақат ейиши-ичишининг тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», дейилади. Пайгамбаримиз Муҳаммад

Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан рўзадор бўлса фаҳш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин, агар бирор киши у билан уришса ёки сўқинса, мен рўзадорман, мен рўзадорман, деб айтсин», деганлар.

Аҳли ислом, мўмин-мусулмонларга фақатгина Рамазон ойидагина эмас, балки йил давомида бир-бировларига бўладиган муомалаю муносабатларини яхши қилмоқликлари лозим. Иймони бутун бўлган мўмин-мусулмонлар хоҳ қийинчилик даврида бўлсин, хоҳ енгилчилик даврида бўлсин, Аллоҳ берган неъматлардан хайр-эҳсон қиладилар. Муҳтож одамларга, мискин уфқларга хайри қилиш узатадилар. Бирор одамдан газаби келгани пайтда газабларини ютадилар, инсондан ўтган камчиликларни афу этиб кечириб юборади-

лар. Яхшилик қилувчи бандаларни Аллоҳ Таоло дўст тутати, деган ваъдалар бор.

Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам яна марҳамат қилганлар: «Эй, умматларим, агар сизларда учта хислат бўлса, биринчиси — сийлаи раҳм, иккинчиси — ислом одоб-ахлоқларига риоя қилиб, ўзингиздан бошқа инсонлар билан яхши муносабатда бўлсангиз, учинчиси — қўни-қўшниларингиз ким бўлишидан қатъи назар, қўшничилик ҳаққига риоя этиб, улар билан аҳил бўлсангиз умрингиз узок, яшаб турган жойингиз обод бўлади».

Муборак ҳадиси шарифларда таъкидланганидек уч кишининг дуоси рад этилмай қабул бўлади — оғиз очётган рўзадорнинг дуоси, адолатли давлат раҳбарининг дуоси, ноҳақ жабр кўрган кишининг дуоси. Имом Ғаззолий айтганларидек, рўза тутши жон

учун закот, бадан учун рибозат, яхшилик учун давватдир. Рўза инсонлар учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланиш, доимо амали солиҳларга интилишдир.

Рўза — улуг ибодат. Мўмин-мусулмонлар мукаммал рўза тутсалар, бу муборак ибодатга ихлос қўйсалар, унга муносиб бўлишга ҳаракат қилсалар ажру савобларга эришадилар, иншооллоҳ.

Хур Ватанимиз бағрида тинчлик, хотиржамлик, ризқу рўзимиз фаровон ҳолда келаси, яшаб шундай улуг айёмларга соғ-саломат этиб боришимизни, ихлос-этиқодларимиз янада зиёда бўлиб, рушди ҳидоятда бардавом бўлишимизни Холиқи азал бўлмиш Ҳақ Таолодан илтижо қиламиз. Омин раббил оламийн.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

Рамазон	ноябр декабр	ҳафта кунлари	саҳарлик тугаши	ифтор вақти
1.	28	Сешанба	5:42	16:59
2.	29	Чоршанба	5:43	16:59
3.	30	Пайшанба	5:44	16:59
4.	1	ЖУМА	5:45	16:58
5.	2	Шанба	5:46	16:58
6.	3	Якшанба	5:47	16:58
7.	4	Душанба	5:48	16:58
8.	5	Сешанба	5:49	16:58
9.	6	Чоршанба	5:50	16:58
10.	7	Пайшанба	5:51	16:57
11.	8	ЖУМА	5:52	16:57
12.	9	Шанба	5:53	16:57
13.	10	Якшанба	5:54	16:57
14.	11	Душанба	5:55	16:58
15.	12	Сешанба	5:56	16:58
16.	13	Чоршанба	5:56	16:58
17.	14	Пайшанба	5:57	16:58
18.	15	ЖУМА	5:58	16:58
19.	16	Шанба	5:58	16:59
20.	17	Якшанба	5:59	16:59
21.	18	Душанба	6:00	16:59
22.	19	Сешанба	6:00	17:00
23.	20	Чоршанба	6:01	17:00
24.	21	Пайшанба	6:01	17:01
25.	22	ЖУМА	6:02	17:01
26.	23	Шанба	6:02	17:02
27.	24	Якшанба	6:03	17:02
28.	25	Душанба	6:03	17:03
29.	26	Сешанба	6:04	17:04
30.	27	Чоршанба	6:04	17:04

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):

Аввал: Андижон -13, Жамбул -2, Наманган -9, Термиз -2, Фарғона -12, Хўждан -4, Кўкон -8, Ўш -15, Кейин: Бухоро +16,

Гулистон +1, Жиззах +4, Навоий +14, Нукус +42, Самарқанд +5, Урганч +37, Хива +37, Чимкент +3, Қарши +8

***Изоҳ: Рўзанинг бошланиши ой кўринишига қараб бир кунга фарқ қилиши мумкин.**

РўЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) ДУОСИ
Навайту ан асума совма шаҳри ромазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.
Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳу учун. Аллоҳу акбар.
ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ
Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ғалайка таваккалту ва ғала ризқика афторту, фағфирли йа Гоффару ма қоддамту ва ма аххорту.

Яъни: Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввалгиларим ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгин.

ОЗАРБОЙЖОНДА ЗИЛЗИЛА

25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси Озарбойжонда зилзила юз берди. Республика сейсмология хизматининг раҳбари Ориф Мусаевнинг миллий телевидение орқали берган хабарига кўра, Ер ости силкинишлари Боку ва Сумгаитда рихтер шкаласи бўйича 6 баллни ташкил этди. Бошқа айрим ҳудудларда эса 4 баллга яқин бўлди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу зилзила яқинда Туркияда бўлгани каби кучли, лекин унча ҳалокатли бўлмаган зилзила ҳисобланади. Зилзилдан кейинги кеча мобайнида ва эртаси кунги тақрорий ер силкинишлари кузатилди. Жаҳон амалиётида кўрилганидек эндиликда бу силкинишлар 40 кун давом этади. Келгусида кучли зилзиланинг тақрорланиши кам, буни 99 фоиз ишонч билан айтган деди О.Мусаев.

Айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра ҳалок бўлганлар сони 24, ярдорлар 40 кишини ташкил этади. Аммо соғлиқни сақлаш вазирлиги зилзила пайтида 24 киши ҳалок бўлганлиги хабарини рад этади. Олинган маълумотларга кўра 25 ноябр кунги турли касалликлардан вафот этганлар сони жами 24 кишини ташкил этган.

Ярдорларга келсак 133 киши касалхонага ётқизилган. Улардан икитаси оғир аҳволда, Озарбойжон давлат нефть компаниясидан олинган хабарга қараганда зилзила маркази денгизда жойлашган бўлишига қарамай денгиздаги нефть конлари ва асбоб-ускуналарга зарар етмаган. Боқуликлар янги ер силкинишларидан хавфсизраб, вақтинча кўпқаватли уйлари тарк этишди. Сейсмологларнинг маълумотларига кўра, кучли ер силкинишидан кейин ҳам яна 80 та кучсиз силкинишлар қайд этилган.

«Туркистон-пресс»

Шифокор маслаҳати

Ангина (лотинча-angina-бўғилиш) танглай муртак безларининг яллиғланиши демакдир. Муртак безлари халқумда, тилча ва юмшоқ танглайнинг иккала томонида жойлашган бўлиб, оғиз очганда яхши кўринади. Бу касаллик гоёт юқумли бўлиб, уни асосан стрептококк, стафилакокк ва бошқа микроблар кўзгатади. Кўпинча ангина бўлган бемор фойдаланган уй-рўзгор буюмлари орқали бошқа одамга кўчади. Шунингдек, бир неча марта ангина бўлиб (нотуғри даволаниш натижасида), сурункали тонзиллит касаллигига йўлқин беморларнинг муртак безида чала тирлик «тинчиб» турган микроблар ҳам ноҳуш омилларда, яъни киши совқотганда ёки ҳарорат кескин ўзгарганда таъсирчан ҳолатга ўтиб, касаллик уйғотиши мумкин.

АНГИНА АСОРАТИДАН САҚЛАНИНГ

Халқумга мунтазам равишда тушиб турган тутун, чанг, алкоголь, шунингдек, бурун орқали нафас олишни қийинлаштирадиган аденоидлар ва гойморит, чиринган тишлар, шунингдек, бурун, халқумнинг касалликлари ҳам ангинага сабаб бўлади.

Касаллик кўпинча 14 ёшгача бўлган болаларда, катталарга нисбатан икки баробар кўпроқ учрайди ва у бошқа касалликларга қараганда, ўпка йўллари шамоллашидан сўнг иккинчи ўринда туради.

Ангина касаллиги олти хил турда учрайди; улардан энг кўп учрайдигани, бу катарал, фолликуляр ва локунар турларидир.

Касал бошланишида организм ҳарорати тўсатдан кўтарилди ва айниқса, биринчи кунлари юқори бўлиб туради (34-41 даража). Мадорсизлик ҳолати юзага келади, бош оғрийди, томоқ ачишиб безовта қилади, оғиз очиш қийинлашади, томоқ торайиб қолгандек туюлади, муртак безлари қизариб юзасида йирингли парда ёки муртак без устида гул-

лагандек, мошдек оқ-оқ доғлар пайдо бўлади.

Касаллик шифокорлар маслаҳати билан вақтида туғри даволанса, беморнинг аҳволи 2-3 кунда дахилланади, айнан шу нарса баъзиларда этиборсизлик келтириб чикаради ва даволаниш тўхтатиб қўядилар. Ваҳоланки, уни энг камда 7-8 кун даволаш керак. Айрим вақтларда касални нотуғри, ўз ҳолича муолажа қилиш, ҳар хил дорилар билан чайиш ёки 1-2 кун ноаниқ дорилар ичириш билан алданиб қоладилар ва оғир асоратлар юзага чиқишига сабаб бўладилар.

Асоратлари: томоқмуртак без атрофлари, томоқ тўқималарига инфекция ёйилиши, йиринглаши (абсцесс), бўйин лимфа безларининг яллиғланиши, ўрта кўлак йиринглаши билан намолан бўлади ва улар тонзилла сепсис, пиривардида эса сурункали тонзиллитга айланади.

Сурункали тонзиллит: икки шаклда юзага чиқади. I - Оддий шаклда томоқда йиринг, муртак безлари ишанган ва йирингли майда тошмалар бўлади, атрофи қизара-

ди ва ишанган бўлади, лимфа безлари катталашади, оғрийди.

II - Заҳарли (токсик) аллергик шакли 2 босқичдан иборат.

Биринчи босқичда - енгил иситма кўтарилиб тушиб туради, куватсизлик, ноҳушлик, тез чарчаш сезилади, айрим вақтларда бўғинларда, юракда оғриқ бўлиши мумкин.

Иккинчи босқичда - юрак фаолияти бузилиши, юрак уриши ва оғриқ бўлиб туриши, тез-тез иситма кўтарилиб тушиб туриши, жигар, буйрак ва бошқа аъзоларнинг фаолияти бузилиши кузатилади.

Юқорида таъкидланганидек, эътиборсизлик натижаси касалликнинг томоқдан атрофга тарқалиши, сепсис, ревматизм ва бўғин касалликларига айланishiга олиб келади. Шунинг учун бемор 7-8 кун парҳезни ушлагани маъқул. Овқат енгил, хилма-хил бўлиши ва кўпроқ суюқлик ичиши зарур (иссик сут, лимонли чой, шарбат, минерал сув) ва табиийки, касал фойдаланган идиш-товуқлар алоҳида бўлиши шарт.

Совқотиш касаллигининг асосий сабабчиси эканини назарда тутиб, организмни бўдақликдан чиқариб туриш, вақтида чўмилтириш, ҳаво ва кувш ванналаридан фойдаланиш, шунингдек, томоқни мунтазам равишда чайиб туриш тавсия этилади.

Албатта беморни даволашдан касалликнинг олдини олиш осонроқ. Бинобарин, бу касаллик кўпроқ болаларда учраб туришини ва унинг асоратлари хавфи бўлишини ҳисобга олган ҳолда иш тутмоқ лозим. Айни вақтда соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари болаларни муайян режа асосида мунтазам равишда кўриқдан ўтказиб туришлари, ота-оналар эса фарзандларида касалликнинг биринчи аломатлари кўриниши билан шифокорга мурожаат қилишлари шарт.

Сайдумар ЖАЛОЛОВ, шифокор.



Бахши бахти

БУХОРОЛИКЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бухорода эркин кураш бўйича 1981 йил ва ундан кейин туғилган ёшлар ўртасида мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан қарийб икки юз нафар полвон ғолиблик учун майдонга тушди. Қўзғин ўтган беллашуларда бухоролик полвонларнинг қўли баланд келди. Бир йўла олти спортчи - Фаэли Бозоров, Мурод Отакулов, Лазиз Жўраев, Улугбек Аvezов, Баҳодир Курбонов, Нодир Хотамов уз вазн тоифаларида ғолиб чиқди. Меҳмонлардан Бобомурод Халилов (50 кг.), самарқандлик Азиз Улахулов (69 кг.), тошкентлик Улугбек Назаров (100 килограмм ва ундан ортиқ вазнда) шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олиб, мамлакат чемпиони бўлди. (ЎЗА).

ТАБИАТНИНГ «ҚАЛТИС ҲАЗИЛИ»

Бу воқеа 1971 йилда АҚШнинг Фолмурот шаҳрида рўй берган эди. Хайдовчи Эдвин Робинсон ўзи томон юқори тезлик билан калаётган енгил машина билан тўқнашмаслик учун юк машинасини кескин буриб юборди. Натижада машина ағдарилиб кетиб, хайдовчи оғир жароҳатланди. У кўриш ва эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлди.

Хайдовчи шу афозда ўн йил умр кечирди. 1981 йили ёзда эса у яна бир марта ўлимдан қолди. Бечорани бу гал яшин уриб кетди.

Табиатнинг бу сарфари «қалтис ҳазили» унга бахт келтирди. Унинг кўриш ва эшитиши тикланди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

«Соғлом авлод» дастури амалда

«ХИМИК» СПОРТ МАЖМУИДА

«Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришда қасаба уюшмалари Навоий вилоят Кенгаши ва унинг тармоқ қўмиталари томонидан йил давомида муайян ишлар амалга оширилди. 11 та доимий ва 32 та мактаб оромгоҳларида 30 мингга яқин ўқувчи-ёшлар соғломлаштирилди. Бу мактабларда маданий-маърифий тадбирлар билан бир қаторда турли спорт секцияларининг мунтазам ишлаб туриши ҳамда қизиқарли мусобақалар ўтказиш таъминланди. Шу мақсадда 75 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Хусусан, бугун вилоят қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ўз ҳисобидаги 97 та жамоа, 8 та туман жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда 1 та болалар-ўсмирлар спорт мактаби орқали 23 минг ёш спортчини бирлаштириб турибди. Улар ихтиёрига битта стадион ва мерганлик майдончаси, учта спорт зали, учта бассейн ва юздан ортиқ бошқа спорт иншоотлари бериб қўйилган. Жумладан, «Химик» спорт мажмуида 255 нафар фарзандларини машғулотларда иштирок этишимизда. Улар билан футбол, дзюдо, каратэ, мотоспорт, армрестлинг, азробика секцияларида 6 нафар тажрибали мураббий шуғулланмоқда. Айниқса, халқаро туфадаги спорт устаси Игорь Шишков ва унинг шогирди Елена Шафронова билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Яқинда океан ортида Вата-

нимиз шарафини ҳимоя қилган бу спортчи қизимиз Осмё чемпионатида олтин медал билан тақдирланган эди.

Хўжаликларда спорт йўриқчиси иш ўрнининг қайта тикланиши қишлоқ спорти ривожига жиддий қадам бўлди. Жумладан, Хатирчи туманидаги 17 та хўжаликнинг 12 тасида спорт йўриқчиси иш бошлади. Натижада бугун жойларда футбол, волейбол, шахмат-шашка каби спорт турлари бўйича мусобақалар, турнирларни ўтказиш анча жонланмоқда. Қизилтепа тумани футболчи ёшлари Бухоро шаҳрида ўтказилган республика «Соғлом авлод учун» кубогидида фахрли иккинчи ўринни олгани ҳам фикримиз исботидир.

«Навоийазот» корхонаси қошидаги «Ширин» болалар оромгоҳи дам олувчилари эса республика миқёсида ўтказилган адабиёт ва санъат бўйича ижодий жамоалар ўртасидаги кўрик-конкурсда фаол иштирок этишди. Оромгоҳ қошида ташкил этилган «Ширин» академик хори ва «Истиқлол» рақс гуруҳи республика қасаба уюшмалари мукофоти соҳибдори бўлди.

Матлуба УЛМАСОВА, Навоий вилоят қасаба уюшмалари Кенгаши маданият, спорт ва ижтимоий масалалар бўлими мудир.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар ва реклама,
эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тугуноҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Боснига топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.45